

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАҲСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ**

**МИНИСТЕРСТВО ВЫСШЕГО И СРЕДНЕГО СПЕЦИАЛЬНОГО  
ОБРАЗОВАНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
БУХАРСКИЙ ИНЖЕНЕРНО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ**

**«ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛЛАРИ ИШЛАВ ЧИҚАРИШДА ИЛМ-ФАН ВА  
ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР»**

**«НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ В ПРОИЗВОДСТВЕ  
ПРОДУКТОВ ПИТАНИЯ»**

**МАТЕРИАЛЫ  
МЕЖДУНАРОДНОЙ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОЙ КОНФЕРЕНЦИИ  
(2022 йил 21-22 октябрь)**



**БУХОРО - 2022**

## **ПАРАФИН УГЛЕВОДОРОДЛАРДАН ЮҚОРИ ЁҒ СПИРТЛАР ОЛИШ ВА УЛАРНИ ДИЗЕЛЬ ЁҚИЛҒИСИ ХОССАЛАРИНИ ЯХШИЛАШДА ҚҰЛЛАШ**

**Фозилов Ҳасан Садриддин ўғли**

Бухоро мұхандислик-технология институти

**Мустафоев Ҳусен Мамедкулович**

Бухоро Давлат университети

**Давронова Фируза Лазиз қызы**

Қарши халқаро университети, үқитувчиси

Республикамиз мустакиллікка эришгандан сүнг нефт ва газ саноати ҳам кескин ривож топди. Ёқилені мустақиллігінде эришган давлатимизда соңа мутахассисларининг галдаги асосий вазифаси ишлаб чиқарилаёттан маҳсулотларниң сифатини жағон стандартлари талабларига қадар яхшилашдан иборатдир.

Дизель ёқиленілары ва сурков мойларининг паст ҳароратлы хоссалари ва соvuқ фильтрланишини самара ва иқтисод жиҳатидан яхшилаш усули депрессор присадкаларни құллаш ҳисобланади. Бошқа барча усуллардан фарқли үлароқ, бу йўналиш нефт захираларидан самарали фойдаланиши, нефт маҳсулотлари ва нефтларниң паст ҳарорали хоссаларини, дисперс хоссаларини комплекс яхшиланишини таъминлайди.


Ҳозирги вактда нефть маҳсулотлари кундалик ҳаётимизнинг қўплаб соҳаларида кенг қўлланилмоқда. Улар орасида юқори ёғ спиртлари каби моддалар мавжуд бўлиб, улар ҳозирги кунда яқин вақтгача ишлатилган анъанавий маҳсулотларниң қўплаб турларини ўрнини эгалламоқда. Юқори ёғ спиртлар (ЮЁС) XX асрнинг ўттизинчи йиллари охирида амалда қўлланила бошланди, кейинчалик улар миллий истеъмол учун жуда муҳим бўлган бир қатор кимёвий маҳсулотлар турига кириб, оммавий ишлаб чиқариш маҳсулотига айланди. Бундай спиртлар, мойлаш материаллари, эритувчи моддалар сифатида косметика, экстрагентлар ишлаб чиқаришда фаол ишлатилади ва фармацевтика саноатида ҳам кенг қўлланилади.

Техник препаратлар ишлаб чиқариш учун мойловчи маҳсулотлар, парфюмерия, эмульгаторлар, техник маҳсулотлар, метакрилатлар, сульфатлар ва этоксилатлар каби спиртли ҳосилалар қўлланилади. Бу ерда юқори ёғ спиртлар маҳсус воситачилик вазифасини бажаради. Улар сувда деярли эримайди, аммо у спиртли ичимлик билан кучли арапаштирилса, бутун эритма бўйлаб майда томчилар шаклида тенг тақсимланади. Шу билан бирга, ЮЁС молекулаларининг сувни яхши кўрадиган гидрофил қисми тизимнинг ички томонга, углеводород гидрофоб қисмлари ташқи томонга йўналади.

ЮЁС нинг турли соҳаларда муҳимлигини ҳисобга олиб, уларни синтез қилиш хом ашёларини ва усулларини кўриб чиқиш ва уларни ўзаро таққослаш мақсадга мувофиқдир.

Хорижда нефт-кимё хом ашёсидан ЮЁС асосан оккосинтез ва алюминий органик усуллар билан ишлаб чиқарилади ва яқинда катализатор бор кислотаси иштирокида парафинларни оксидлаш орқали иккиласми спиртларни синтез қилиш усули тобора кўпроқ қўлланилмоқда.

Синтетик юқори карбон кислоталари нефтдан олинган парафин углеводородларни 100-106 °C ҳароратда ҳаво кислороди бидан катализатор иштирокида оксидлаб олинди. Сўнгра уни гирогенлаш натижасида юқори ёғ спиртлари синтез қилинди. Бу жараён қуйидаги схема бўйича боради:



Шундай қилиб, оксидланишда парафин молекулаларини турли жойларидан узилиш содир бўлади, натижада турлича углерод атомларини сақлаган ёғ кислоталари аралашмаси ҳосил бўлади. Сўнгра тайёрланган аралашмани тор фракцияларга ажратиш учун дефлегматорли калонкада ҳайдалади. Тегишли  $\text{C}_{10}-\text{C}_{16}$  ва  $\text{C}_{17}-\text{C}_{20}$  иккита фракциялари совун ишлаб чиқаришда қўлланилади.

Агар ёғ кислоталари  $\text{C}_{10}-\text{C}_{16}$  таркибиغا кам сондаги углерод атомларини сақлаган кислоталар аралашса, пиширилган совуннинг ювиш хоссаси камаяди, ўзининг сувда эрувчанлиги ва сарфи ортади. Бунда совун пиширишда ёғ кислотаси ва ишқорнинг сарфи ортади.

Иккинчи фракцияда  $\text{C}_{17}-\text{C}_{20}$  ёғ кислотаси углерод атомлари  $\text{C}_{20}$  дан ортса бу янада қўнгилсиз бўлади, натижада ювиш ҳарорати ортади, совун эрувчанлиги секинлашади. Барча таклиф қилинган гирогенлаш схемалари босқичма-босқич ишлашга асосланган. Юқори ёғ кислоталарни бирламчи гирогенлаш реакцияси - бу водород билан карбон кислотани қайтариб, бунда оралиқ маҳсулотни, яъни битта углерод атомида иккита гидроксил гурухи бўлган дигидрокси спирт ҳосил бўлади. Натижада пайдо бўлган спирт бекарор бўлиб, альдегид ва сувга ажралади. Ушбу алдегидни кейинги гирогенлаш мақсадли маҳсулот - алкоголнинг изомерланишига олиб келади. Реакция натижасида етарли микдордаги алкоголь тўпланади, у бошланғич кислота билан реакцияга киришиб, эфир ҳосил қиласи ва кейинчалик гемацетал босқичида метил спиртга айланади. Ушбу жараён бир қатор камчиликларга эга, улардан бири бу жараён давомида бир нечта ён ва иккиласми спиртлар пайдо бўлиши, бу эса ўз навбатида мақсадли маҳсулотнинг унумини пасайтиради ва синтез қилинган спиртларнинг ифлосланишига олиб келади [3].

Шундай қилиб, юқори микдордаги ёғ спиртларни олиш учун карбон кислоталарни гирогенлаш жараёни иқтисодий жиҳатдан самарасиз деб хисобланиши мумкин.

Кислород энг арzon оксидловчи восита сифатида технологик жараёнларда кенг қўлланилади. Жараённинг ўзи бир неча босқичларда ва йўналишларда давом этадиган жараённи бошқариш билан боғлиқ қийинчиликларга тўла, аммо катализаторни тўғри танлаш билан мақсадли маҳсулотнинг юқори унумда олиш

мумкин. Оксидланиш одатда юқори ҳароратда содир бўлади. Сувда осон эрийдиган, ишқорий ва кислотали мухитда ишлатилиши мумкин бўлган калий перманганат  $KMnO_4$  одатда оксидланиш реакцияларида катализатор сифатида ишлатилади.

Этилен полимерланишининг иккиласми маҳсулотларидан ажратилган паст молекуляр оғирликдаги полиэтилен хом ашё сифатида ишлатилди. Хом ашёларга бўлган асосий талаб- унинг таркибида ароматик углеводородларнинг йўқлиги, айниқса бор кислотаси иштирокида ЮЁСларни синтез қилишни талаб қилади.

Реакция аралашмасининг конденсатланган томчилари реакторга қайтарилди ва сув йиғичга йиғилди. Ажралган ЮЁС тозаланди ва реакцияга киришмаган углеводородлар вакуум остида ҳайдалди.

Оксидланиш натижасида бошланғич углеводородлар билан бир хил микдордаги атомларга эга бўлган спиртлар олинди. Булар асосан иккиласми спиртлар бўлиб, уларнинг углерод занжирида гидроксил гуруҳи бошқа тартибга боғланган. Қолдик, асосан борат кислота эфирларини ўз ичига олади, улар хона ҳароратида ҳам қаттиқлашадиган жигар ранг масса кўринишига эга. Мақсадли маҳсулот унумдорлиги 38-39 % ни ташкил этди.

КМПЭни оксидланиш унумдорлигининг энг юқори даражаси, яъни энг юқори конверсия паст молекуляр оғирликдаги полиэтиленнинг оксидланишининг тўртинчи соатига тўғри келади, синтезнинг бешинчи соатига келиб ҳосил бўлган гидроксил гуруҳлари микдори бир хил бўлиб қолади.

Хулоса қилиб айтганда, борат кислота иштирокида паст молекуляр оғирликдаги полиэтиленни атмосфера кислороди билан оксидлаш орқали юқори ёғ спиртларни олиш усулининг афзаликлари хом ашёнинг мавжудлиги, шунингдек, технологик схемалар ва ускуналарнинг соддалигидир. Бор кислота иштирокида паст молекуляр оғирликдаги полиэтиленни оксидлаш натижасида олинган спиртли сульфатларнинг ювиш қобилияти бирламчи алкогол сулфатларидан кам, лекин учламчи спирт сульфатларидан юқоридир.

Маҳаллий иккиласми хомашёлар асосида синтез қилиган юқори ёғ спиртлари дизел ёқилғилари қовушқоғлиги ва мойловчанлик хусусиятини яхшилайди. Дизель ёқилғисининг хоссалари давлат стандарти талабларига тўлиқ жавоб беради.

Шундан келиб, чиққан ҳолда олинган юқори ёғ спиртларни дизел ёқилғилари учун присадка сифатида ишлатиш муҳим вазифа бўлиб қолади. Шундай қилиб, синтез қилинган юқори ёғ спиртлари дизел ёқилғилари физик – кимёвий хоссаларини яхшилашга олиб келди.